# Рамазон ойи кирса, жаннат эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари ёпилади




12:44 / 18 март    692

?? ????? ?????????? ?????? ??????? ??????? ???????: ????? ??????? ??????? ?????? ????? ???????? ?????????: "????? ?????? ????????? ????????? ????????? ?????????? ??????????? ????????? ????????? ???????????? ????????????".

البخاري: 3277، 1898، 1899، مسلم: 1079.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар Рамазон ойи кирса, жаннат эшиклари очилиб, жаҳаннам эшиклари беркилади ва шайтонлар занжирбанд қилинади»**, дедилар».

*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

???? ?????????? ?? ??????? ???? ?????????
????????? ?????? ????? ???????? ?????????? ?????:
????????? ???? ????????? ?????: ???????? ???????
????? ?????? ????? ???????? ????????? ???????:
"??? ????????? ????????? ????? ?????????
????????? ??????????? ????? ?????????
??????????? ??????????? ????? ?????????????"
?????: "?????????? ????? ??????: ??? ???????
????????? ????????? ??? ??????? ????????
????????? ?????? ?????????? ?????????".

أحمد: 18795، 23491، 18794، الترمذي: 682، النسائي: 2107، ابن خزيمة: 1883، ابن حبان: 3435، ابن ماجة: 1642.

Арфажа Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларининг биридан ривоят қилади:

«У саҳобий Рамазон ҳақида гапириб, бундай деди: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Рамазонда дўзах эшиклари беркилиб, жаннат эшиклари очилади ва шайтонлар кишанланади. Рамазон тугагунича фаришта: “Эй яхшиликни истовчи, хурсанд бўл, эй ёмонликни истовчи, тийил», деб**

**нидо қилади»**, дедилар».

*Имом Термизий, Имом Аҳмад, Имом Насоий, Имом Ибн Ҳузайма, Имом Ибн Ҳиббон, Имом Ибн Можа ривоятлари.*

***«Рўза аҳлига Рамазон туҳфаси» китобидан***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги 2156-сонли хулосаси асосида чоп этилган.